

**ҚОРАКЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ВА САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.30.08.2018.Qx.75.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

ҚУРБОНОВА ШАХНОЗА ЭРГАШЕВНА

**СУРХОН ВОҲАСИ ШАРОИТИДА ҚОРАМОЛ ГЎШТИ
ЕТИШТИРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ**

**06.02.03 – Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини
ишлаб чиқариш технологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Қурбонова Шахноза Эргашевна

Сурхон воҳаси шароитида қорамол гўшти етиштиришни
жадаллаштириш..... 3

Қурбанова Шахноза Эргашевна

Интенсификация производства говядины в условиях долины
Сурхан..... 20

Kurbonova Shahnoza

The developing of producing meat industry (beef) on the condition of
Surkhan oasis..... 36

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 40

**ҚОРАКЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ВА САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.30.08.2018.Qx.75.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

ҚУРБОНОВА ШАХНОЗА ЭРГАШЕВНА

**СУРХОН ВОҲАСИ ШАРОИТИДА ҚОРАМОЛ ГЎШТИ
ЕТИШТИРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ**

**06.02.03 – Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини
ишлаб чиқариш технологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017. PhD/Qx190 рақами билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд ветеринария медицинаси институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.samvmi.uz.) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz.) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Кахаров Абдусаттар
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Досмухамедова Мухайё Хусниддиновна
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

Мадрахимов Шодлик Назарович
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти


Диссертация химояси Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ва Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳузуридаги фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи PhD30.08.2018 Qx.75.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил « 20 » 09 соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140154, Самарқанд, Мирзо Улуғбек кўчаси, 47 уй. Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти мажлислар зали, 2-қават, тел: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81; e-mail: uzkarakul30@mail.ru).


Диссертация билан Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (159-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140154, Самарқанд, Мирзо Улуғбек кўчаси, 47-уй, институт маъмурий биноси, 1-қават. Тел: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81.


Диссертация автореферати 2019 йил « 6 » 09 куни тарқатилди.

(2019 йил « 6 » 09 даги 3 - рақамли реестр баённомаси)




Н.А.Бобоқулов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор


М.Ш.Исмаилов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д., катта илмий ходим


С.Ю.Юсупов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида қорамол гўшти ишлаб чиқариш талаб даражасида ташкил қилинган. Қорамол гўшти етиштиришда Шимолий Америка (24,6 %), Жанубий Америка (23,5 %) ва Осиё (22,4 %) давлатлари етакчи ҳисобланади. Бунга улар қорамоллар бош сонини ошириш, махсус гўшт йўналишидаги қорамол зотларининг генетик потенциалидан тўлиқ фойдаланиш бўйича самарали тадқиқотлар олиб бориш, гўшт ишлаб чиқаришда янги, замон талабига мос келадиган технологияларни қўллаш орқали жорий этилмоқда¹.

Дунё миқёсида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда дунё аҳолисининг озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишда чорвачиликнинг етакчи тармоғи ҳисобланган қорамолчилик асосий ўринни эгалламоқда ва шу боис хориж давлатларида ихтисослашган гўшт йўналишидаги қорамоллар бош сонининг кўпайиш тенденцияси кузатилмоқда. Ушбу давлатларда қорамолларнинг гўшт маҳсулдорлигини ошириш бўйича уларнинг зотдорлик имкониятларидан, гетерозис самарасидан фойдаланиш орқали гўшт маҳсулдорлигини ошириш йўналишларида самарали тадқиқотлар олиб борилиб, қорамолларнинг гўшт маҳсулдорлиги салоҳиятини 10-20 фоизга кўтариш имконини берувчи технологиялар ишлаб чиқиш ҳамда қўллаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Республикамызда аҳолини сут ва гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини асосан сут ва кўшмаҳсулдор зотлар ҳамда уларни ўзаро чатиштириш натижасида олинган турли генотипли дурагай ҳайвонлардан фойдаланиш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...чорвачиликда наслчилик базасини ривожлантириш, наслчилик хўжаликлари негизида замонавий селекция-генетик марказлар ташкил қилиш ҳамда наслчиликда илмий тадқиқот ишларини кенгайтириш асосида аҳолини сифатли ва етарли миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш»² каби муҳим стратегик вазифалар белгилаб берилган. Шунинг учун сут йўналишига мансуб бўлган қора-ола, швиц ва қора-ола зотини дунё генофондига хос бўлган голштин зоти билан чатиштириш натижасида олинган дурагай авлодларнинг насл ва гўшт маҳсулдорлик хусусиятларини ўрганиш, ҳайвонларнинг генетик имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, гўшт ишлаб чиқаришнинг илмий асосланган технологияларини яратиш ва жорий этиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини

¹<http://www.fao.org/docrep/018/i3300e.pdf>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони

кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-308-сонли, 2008 йил 21 апрелдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-842-сонли ва 2015 йил 29 декабрдаги «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2460-сонли қарорларива мазкур фаолиятга тегишли меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлантиришининг устивор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устивор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқотларда объект қилиб олинган ҳар хил зот ва зотдорликдаги қорамолларнинг хўжалик фойдали белгиларини хориж олимлари Д.Е.Адушинов, Х.А.Амерханов, С.Д.Батанов, О.Гетокков, И.Ф.Горлов, Г.Н.Зеленов, Ф.Г.Каюмов, Л.И.Киблако, Д.Л.Левантин, Г.П.Легошин, М.V.Amburh, P.Arnold, B.Robertstein ва республикамиз олимлари У.Носиров, П.Собиров, А.Кахаров, А.Хушвақтов, М.Нарбаева ва бошқалар томонидан ўрганилган. Аммо, айти пайтда ушбу генотипли буқачаларнинг сўйим кўрсаткичлари, гўшт маҳсулдорлиги, гўштининг сифати тўлиқ ўрганилмаган. Тоғ ва тоғолди ҳудуди шароитида уларнинг мақбул сўйиш ёши ва тирик вазни тўғрисида аниқ тавсиялар берилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқотлари Самарқанд қишлоқ хўжалик институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг 0194513 рақами билан рўйхатга олинган «Қорамолларнинг маҳсулдорлиги ва унинг сифатини яхшилаш бўйича генетик потенциалдан фойдаланишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотларнинг мақсади соф ҳолда урчитилаётган қора-ола ва швиц зотлари ҳамда қора-ола зотини голштин зоти билан чатиштириш натижасида олинган турли генотипли буқачаларни тоғ ва тоғолди ҳудуди шароитида гўшт маҳсулдорлиги ва ушбу кўрсаткичларга ҳар хил омилларнинг таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

генетик келиб чиқиши билан бир-биридан фарқ қилган буқачаларнинг ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари, бўрдоқиланиш хусусиятларини ўрганиш ва баҳолаш;

ҳайвонларни озиклантириш ва асраш шароитини ўрганиш;

турли генотипли буқачаларнинг сўйим кўрсаткичлари, гўшт маҳсулдорлиги ва гўштнинг морфологик ва кимёвий таркибини аниқлаш;

йил фасллари кесимида буқачаларнинг клиник, гематологик кўрсаткичлари ва иссиққа чидамлилиқ индекси, истеъмом қилган озукасини тирик вазн билан қоплаш хусусиятларини аниқлаш;

тоғ ва тоғ олди худудининг табиий ва технологик шароитларида турли генотипли буқачаларни гўштга парваришланишнинг самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб қора-ола ва швиц зотининг буқачалари ҳамда чатиштириш натижасида олинган турли зотдорликдаги авлодлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети ўсиш ва ривожланиш, экстерьер кўрсаткичлари ва тана тузилиш индекслари, турли генотипдаги ҳайвонларнинг клиник статуси, озиклантириш ва сақлаш технологияларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот масалаларини ўрганишда зоотехникавий (ўсиш, ривожланиш, экстерьер, тана тузилиш индекслари, олинган қўшимча тирик вазн, сўйим кўрсаткичлари, сўйим оғирлиги, сўйим чиқими, озиклантириш, озиқа сарфи, истеъмом қилган озиқани маҳсулот билан қоплаш хусусияти), биологик (клиник ва гематологик кўрсаткичлари, иссиққа чидамлилиқ индекси), статистик (ўртача арифметик, ўртача квадратик оғиш, ўзгарувчанлик коэффициенти, ўртача арифметик хато, гуруҳлараро фарқнинг ишончилиқ даражаси) ва иқтисодий (қилинган жами харажат, шу жумладан озукага қилинган харажатлар, 1 ц маҳсулотнинг таннархи, харид нархи, олинган соф фойда, рентабеллик даражаси) усуллари қўлланилган.

Диссертация ишининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Сурхондарё вилоятининг тоғ ва тоғолди худудлари шароитида қорамол гўшти етиштириш, сут, қўшмаҳсулдор зот ва уларнинг ҳар хил генотипли дурагай авлодларидан фойдаланиш бўйича самарали усуллар ишлаб чиқилган;

ҳар хил генотипли буқачаларнинг ўсиши, ривожланиши, озукани тирик вазн билан қоплаш хусусиятлари ва буқачаларнинг гўшт маҳсулдорлиги бўйича генетик потенциалидан тўлиқ фойдаланиш имкониятлари аниқланган;

голштин зотининг тоғ ва тоғолди худуди шароитида иқлимланиши ва биологик кўрсаткичлари аниқланган;

турли генотипли буқачаларнинг мақбул сўйиш ёши ҳамда гўштининг морфологик ва кимёвий таркиби аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

турли генотипли буқачаларнинг ўсиш ва ривожланиши, сўйим кўрсаткичлари, гўшт маҳсулдорлигига ташқи муҳит омилларининг таъсир даражаси аниқланган, шу орқали тоғ ва тоғ олди худуди шароитида қорамол гўшти ишлаб чиқаришни жадаллаштириш усуллари ишлаб чиқилган;

қорамол гўшти ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни мақбул усуллари аниқланган;

қорамол гўшти етиштиришда ҳар хил генотипли дурагай авлодлар олиш учун голштин зотининг генофондидан фойдаланишнинг самарали усуллари ўрганилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотлар замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилган. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги буқачаларни гўшт маҳсулдорлигини ўрганиш умуммақбул бўлган услублар асосида бажарилганлиги, илмий натижалар ҳамда бирламчи хужжатлар Самарқанд ветеринария медицинаси институти апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, олинган натижаларнинг статистик жиҳатдан таҳлил қилинганлиги, илмий натижаларни етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, диссертация тадқиқоти амалий натижаларининг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги ва уларни амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қора-ола ва швиц зотли қорамолларни ҳамда чатиштириш натижасида олинган турли генотипли дурагай буқачаларнинг гўшт учун мақбул ёши, тирик вазни ҳамда ташқи муҳит омилларига боғлиқ ҳолда селекцион белгиларини такомиллаштириш, уларни маҳсулдорлик кўрсаткичлари ва маҳсулотни экологик жиҳатдан сифатини яхшилашнинг илмий асосларини ишлаб чиқаришдан иборат.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти эса генетик келиб чиқиши билан фарқ қилган буқачаларнинг ўсиш ва ривожланишини жадаллаштириш, бўрдоқиланиш хусусиятини яхшилаш орқали юқори тирик вазнга эришиш, сўйим оғирлигини ва сўйим чиқимини ошириш, маҳсулот бирлигига озуқа истеъмолини камайтириш, гўштнинг сифатини яхшилаш ва соҳани иқтисодий самарадорлигини таъминланишида ўз аксини топади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурхон воҳаси шароитида қорамол гўшти етиштиришни жадаллаштириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

соф зотли қора-ола ва швиц зотига ҳамда қора-ола зотли сизирларни голштин зоти билан чатиштириш натижасида олинган турли генотипли буқачаларнинг ўсиш, ривожланиш, бўрдоқиланиш хусусиятлари, сўйим кўрсаткичлари, гўшт маҳсулдорлиги ва гўштнинг сифатини яхшилаш бўйича ишлаб чиқарилган технологиялар Сурхондарё вилояти Шеробод туманининг тоғ ва тоғ олди ҳудудидаги “Жўраниёз Тошпўлатов” фермер хўжалигида жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 21 майдаги 02/23-762-сон маълумотномаси). Натижада сўйишдан олдинги тирик вазн II ва III тажриба гуруҳидаги ҳайвонларда 18 ойлигида I гуруҳдаги буқачаларга нисбатан 24,6 ва 12,9 килограмм, 21 ойлигида тегишлича 31,4 ва 27,2 килограмм, майдаланмаган гўшт оғирлиги эса 18 ойлигида 12,7 ва 5,7 килограмм, 21 ойлигида 17,2 ва 16,9 килограммга ортиқ бўлган ҳамда лаҳм гўшт миқдори 18 ойликда 4,8 ва 3,5 килограмм; 21 ойликда 8,0 ва 8,1 килограммга ошириш имконияти яратилган;

қора-ола зотли қорамолларни такомиллаштиришда буқачаларни 18-21 ойлигида мақбул тирик вазн ҳамда ташқи муҳит омилларига боғлиқликда селекцион белгиларини такомиллаштириш ва уларни маҳсулдорлик хусусиятларини яхшилаш технологиялари Сурхондарё вилояти Шеробод туманига қаршли “Абдулҳакимова Дўлон” фермер хўжалигида жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 21 майдаги 02/23-762-сон маълумотномаси). Натижада бўрдоқига боқилган буқачаларнинг 18 ойда тирик вазни хўжалик шароитида сўқимланган буқачаларнинг ўртача кўрсаткичидан 10-15 килограммга юқори бўлган, бир бош буқачадан олинган соф фойда 1092-1250 минг сўмни ва рентабеллик даражаси 33,5 - 38,8 фоизини ташкил этган;

голштинлаштирилган биринчи ва иккинчи бўғин қора-ола зотли буқачаларнинг 18 ва 21 ойлигида мақбул бўлган тирик вазни ҳамда ташқи муҳит омилларига боғлиқликда бўлган селекцион белгиларини такомиллаштириш ва уларнинг сўйим кўрсаткичларини яхшилаш, сўйим оғирлиги, сўйим чиқими ва гўштнинг сифатини ошириш технологиялари Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги “Тошпўлатов Баходир Жўраниёзович” қорамолчилик фермер хўжалигида жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 21 майдаги 02/23-762-сон маълумотномаси). Натижада буқачалардан олинган соф фойда 18 ойлигида 1300-1500 минг ва 21 ойлигида 1500-1600 минг сўмни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Махсус тадқиқот натижалари Шеробод туманидаги “Жўраниёз Тошпўлатов”, “Абдулақимова Дўлон” ва “Тошпўлатов Баходир Жўраниёзович” фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш йиғилишларида (2015-2018 йил), Самарқанд ветеринария медицинаси институти Зооинженерия факултетининг илмий ҳисобот конференцияларида (2015-2018 й) апробациядан ўтган. Илмий ишланмалар 2016-2018 йилларда республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида намоиш этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп қилинган. Шу жумладан Ўзбекистон Республикасида ўтказилган халқаро ва республика илмий-амалий конференция материаллари тўпламида 8 та мақола, республика ОАК тасарруфидаги журналларда 3 та, шундан 1 таси хорижий нашрларда, мақолалар чоп этилган.

Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, тадқиқотларда олинган натижаларнинг муҳокамаси, хулосалар, ишлаб чиқаришга амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бет саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари объекти ҳамда предметлари тавсифланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг қорамол гўшти етиштиришни жадаллаштириш бўйича **“Адабиётлар шархи”** номли биринчи бобда мамлакатимиз ва хориж тадқиқотчиларининг илмий ишлари таҳлил қилиниб, қора-ола ва швиц зотига мансуб буқачаларнинг гўшт маҳсулдорлиги, ирсий имкониятлари, голштинлаштиришнинг илмий ва амалий асослари, буқачалар генотипининг маҳсулдорлик билан боғлиқлиги, маҳсулдорликка ирсий ва паратипик омилларнинг таъсирига доир илмий адабиётлар таҳлил қилинган. Кўплаб муаллифларнинг маълумотлари умумлаштирилиб, тегишли хулосалар қилинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотларни ўтказиш манбаи ва услуби”** деб номланган иккинчи бобда тадқиқотнинг объекти, схемаси ва услублари ёритилган.

Илмий тадқиқотлар 2015-2017 йиллар давомида Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида ва Сурхондарё вилояти Шеробод туманига қарашли қорамолчиликка ихтисослашган **“Жўраниёз Тошпўлатов”** фермер хўжалигида бажарилган.

Тадқиқот объекти қилиб, қора – ола (I гуруҳ), швиц зоти (II гуруҳ), F₁ (½ қора-ола x ½ голштин, III гуруҳ), F₂ (¼ қора-ола x ¾ голштин, IV гуруҳ) буқачалар танланган.

Диссертациянинг **“Хусусий тадқиқотлар натижалари”** деб номланган учинчи бобда хусусий тадқиқотлар натижалари келтирилган. Тадқиқотларда тажриба гуруҳларидаги буқачаларни озиқлантириш ва асраш шароити, тажриба гуруҳларидаги буқачаларнинг ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари, тажриба гуруҳидаги буқачаларнинг экстерьер кўрсаткичлари бўйича маълумотлар илмий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Генетик келиб чиқиши билан бир-биридан фарқ қилган буқачаларнинг гўшт маҳсулдорлиги бўйича генетик потенциалидан тўлиқ фойдаланиш, уларни янги иқлим шароитида мослашиш хусусиятларини яхшилашда тўла қийматли озуқа рацион билан озиқлантиришни ташкил қилиш муҳим ва асосий зоотехникавий тадбир ҳисобланади. Шунинг учун тажриба гуруҳларидаги буқачалар йилнинг фасли ва ўсиш ёшларини ҳисобга олган ҳолда озиқлантирилди.

Маълумки, буқачаларнинг гўшт маҳсулдорлиги билан бевосита боғлиқликда бўлган селекцион белги, бу уларнинг тирик вазни ҳисобланади (1-жадвал).

Туғилган давридан то 21 ойлигигача ҳар хил генотипли буқачаларни озиклантириш ва асраш шароитига бўлган сезгирлиги бир хил бўлмаган. 6 ойлигигача тирик вазнининг ўсиш динамикаси бўйича деярли гуруҳлараро фарқ кузатилмаган. Аммо, тажрибанинг кейинги даврларида, II ва III гуруҳ буқачалари жадал ўсишган.

1-жадвал

Тажриба гуруҳларидаги буқачаларнинг тирик вазнини ўсиш динамикаси, кг ($\bar{X} \pm S_x$)

Ўши, ойлар ҳисобида	Гуруҳлар (n=10)			
	I	II	III	IV
Туғилган вақтида	29,8±0,6	32,0±0,7	33,0±0,9	31,5±0,9
3-ойлигида	74,4±2,0	77,5±1,8	76,5±1,9	75,0±1,7
6-ойлигида	126,3±1,5	135,4±1,4	129,3±1,1	127,0±1,3
9-ойлигида	180,2±1,5	199,3±1,4	184,3±1,9	183,3±1,8
12-ойлигида	245,0±2,0	265,2±2,0	248,7±1,7	247,2±1,7
15-ойлигида	317,0±1,8	334,4±2,6	325,2±3,4	321,0±2,2
18-ойлигида	398,0±3,0	424,4±2,1	411,6±2,6	403,8±2,0
21-ойлигида	474,5±5,0	505,4±2,3	492,6±4,2	483,0±3,4


Хусусан, 12 ойликда, II гуруҳ буқачаларининг тирик вазни 265,2 кг ни ташкил қилиб, улар ўз тенгқурлари I, III ва IV гуруҳлардаги буқачаларни мутаносиб равишда 20,2 ($P < 0,001$), 16,5 ($P < 0,001$) ва 18,0 кг га ($P < 0,001$) ортда қолдиришган.

Тажриба охиригача бу жадаллик сақланиб қолган ва 21 ойликда II гуруҳ буқачалари 505,4 кг тирик вазнга эга бўлиб, ўз тенгқурларидан тегишлича 30,9 ($P < 0,01$), 12,8 ($P < 0,05$) ва 22,4 кг ($P < 0,01$) зиёд тирик вазнга эга бўлган.

Ҳайвонларни ўсиш кўрсаткичлари бўйича баҳолаганда уларнинг мутлоқ ўсиши муҳим ўрин тутди. Ушбу йўналишда тажриба гуруҳидаги буқачаларни кўрсаткичлари 1-расмда келтирилган.

Жумладан, тажрибанинг дастлабки даврида, яъни 3 ойлигигача улар 45,6 кг га ўсиб, ўз тенгқурлари I, III ва IV гуруҳ буқачаларини мос равишда 1,0, 2,1 ва 2,1 кг га ортда қолдиришган. Ўсишнинг жадаллиги кейинги ойларда ҳам сақланиб қолган ва 4-6 ойликдаги фарқ тегишлича 6,0 ($P < 0,01$), 5,1 ($P < 0,01$) ва 5,9 кг ни ($P < 0,01$) ташкил қилган.

Тажриба гуруҳидаги буқачалар танасининг мутаносиб равишда ривожланганлигини, улардан олинган тана ўлчамлари асосида ҳисобланган ва 2-жадвалда баён қилинган тана тузилиш индекслари кўрсаткичлари бўйича баҳолаш мумкин.



1-расм. Тажриба гуруҳидаги букачаларнинг мутлоқ ўсиш кўрсаткичлари

Жадвал маълумотларини таҳлили кўрсатадики, узунқилик ва тос-кўкрак индекслари ёш ўтиши билан камайиб борган бўлса, аксинча чўзинчоқлик ёки формат, кўкрак, зичлик ёки компакт, ўсувчанлик ва суяқдорлик индексларининг кўрсаткичлари ёш бўйича ортиб борган.

2-жадвал

Тажриба гуруҳларидаги букачаларнинг тана тузилиш индекси, %

Индекслар	Гуруҳлар (n=5)							
	I		II		III		IV	
	Ёши, ой ҳисобида							
	6	18	6	18	6	18	6	18
Узунқилик	59,4	46,2	58,1	45,5	58,6	45,8	56,8	44,5
Чўзинчоқлик ёки формат	95,9	106,0	95,7	106,3	94,4	105,7	96,6	105,8
Тос – кўкрак	145,3	81,7	139,5	81,8	143,1	87,0	141,6	88,8
Кўкрак	65,1	64,6	64,6	64,4	64,9	65,8	65,7	66,1
Зичлик ёки компакт	130,0	138,3	132,6	139,7	132,0	139,5	131,7	140,8
Ўсувчанлик	99,9	103,0	100,1	102,9	97,2	99,3	99,4	101,2
Суяқдорлик	13,0	16,1	13,3	16,2	13,4	16,2	13,3	16,2

Биринчи гуруҳ букачалари ўз тенгқурлари, II, III ва IV гуруҳлардаги букачаларга нисбатан бирмунча йирик танали бўлган. Гўшт маҳсулдорлигини ифодалайдиган тос-кўкрак, кўкрак ва зичлик ёки компакт индекслари бўйича тегишли равишда гуруҳлараро фарқ аниқланган. Бунда кўшмаҳсулдор швиц зоти ва дурагай авлодларнинг устунлик қилиши қайд этилган.

Хулоса қилиб айтганда, ёшидан қатъий назар, II ва III тажриба гуруҳларидаги букачалар, I ва IV гуруҳлардаги тенгқур букачаларга нисбатан жадал ўсиш ва ривожланиш хусусиятларига эга бўлган. Шунинг учун уларда

мускул тўқималарининг ривожланиши жадал бўлган ва юқори даражадаги гўшт маҳсулдорлигига эришиш имконияти яратилган.

Диссертациянинг “Генетик келиб чиқиши билан фарқ қилган буқачаларнинг айрим биологик кўрсаткичлари” номли тўртинчи бобида буқачаларнинг йил фасллари кесимида клиник кўрсаткичларининг ўзгариши, гематологик кўрсаткичлари, ҳайвонлар қонининг биокимёвий таркиби ва иссиққа чидамлилиқ коэффициентини ўрганиш натижалари келтирилган.

Буқачаларнинг маҳсулдорлиги билан бевосита боғлиқликда бўлган кўрсаткичлардан бири уларнинг айрим биологик хусусиятлари ҳисобланади. Бунда йилнинг фасллари кесимидаги клиник кўрсаткичлар муҳим ўрин тутди (3-жадвал).

3-жадвал

Тажриба гуруҳларидаги буқачаларнинг клиник кўрсаткичлари ($\bar{X} \pm Sx$)

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар (n=5)			
	I	II	III	IV
Баҳорда (12 ойликда)				
Тана ҳарорати °С	38,2±0,07	38,3±0,03	38,2±0,06	38,1±0,04
Юрак уриши (1 дақиқада)	64,8±1,16	65,4±0,78	65,3±1,01	64,9±1,09
Нафас олиши (1 дақиқада)	26,3±0,64	26,3±0,43	26,1±0,80	26,2±0,51
Ёзда (15 ойликда)				
Тана ҳарорати °С	38,3±0,04	38,4±0,03	38,3±0,04	38,4±0,03
Юрак уриши (1 дақиқада)	66,0±1,11	67,4±0,81	67,6±0,63	67,5±0,56
Нафас олиши (1 дақиқада)	27,5±0,68	27,6±0,56	27,8±0,49	27,5±0,49
Кузда (18 ойликда)				
Тана ҳарорати °С	38,2±0,07	38,2±0,04	38,3±0,05	38,2±0,03
Юрак уриши (1 дақиқада)	64,0±0,71	64,7±1,01	65,3±0,04	65,2±0,04
Нафас олиши (1 дақиқада)	26,2±0,56	26,6±0,40	26,4±0,50	26,3±0,53
Қишда (21 ойликда)				
Тана ҳарорати °С	38,0±0,10	38,1±0,04	38,0±0,04	38,1±0,12
Юрак уриши (1 дақиқада)	62,0±0,78	63,7±0,02	63,6±0,81	63,1±0,70
Нафас олиши (1 дақиқада)	24,7±0,61	25,1±0,40	25,5±0,48	25,6±0,38

Жадвал маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатадики, йилнинг фасллари ва ҳайвонларнинг генетик келиб чиқишидан қатъий назар, уларнинг клиник кўрсаткичлари асосан физиологик меъёр даражасида бўлган.

Баҳорда, яъни 12 ойликда қора-ола зотли буқачаларнинг юрак уриши бир дақиқада 64,8 марта қайд қилинган бўлса, бу кўрсаткич швиц зотли ва дурагай авлодларда тегишли равишда 65,4, 65,3 ва 64,9 мартани ташкил этган.

Ёзда 15 ойликда қора-ола зотли буқачаларда бу кўрсаткич 1 дақиқада 66,0 марта бўлган. Бу эса ўз тенгқурлари швиц зоти ва дурагай ҳайвонлардан тегишли равишда 1,4; 1,6 ва 1,5 марта кам демакдир. Бу фарқ 18 ва 21 ойлик буқачаларда мутаносиб равишда 0,7; 1,3; 1,2 ва 1,7; 1,6; 1,1 мартани ташкил этган.

Барча тажриба гуруҳларидаги буқачаларда ёз фаслида юрак уриш, нафас олиш куз ва қиш фаслига нисбатан биров юқори бўлган. Бу ёзнинг иссиқ ҳарорати таъсирида буқачалар организмда юрак-қон томир системаси жадал фаолият кўрсатиб, модда алмашилиш жараёнини жадаллашганлигидан далолат беради.

Диссертациянинг “Буқачалар генотипини уларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичларига таъсири” номли бешинчи бобида тажриба гуруҳларидаги буқачаларнинг сўйим кўрсаткичлари, майдаланмаган гўштнинг навли бўлаклари, буқачалар гўштнинг морфологик ва кимёвий таркиби бўйича аниқланган натижалар келтирилган.

Тадқиқотларда олинган сўйим кўрсаткичлари 4-жадвалда келтирилган. Жадвал маълумотларининг таҳлили кўрсатадики, ҳар икки сўйим ёшида ҳам буқачалар юқори семизлик даражасида бўлишган. Бунда, II ва III гуруҳдаги буқачалари устиворлик қилишган.

4-жадвал

Тажрибадаги буқачаларнинг сўйим кўрсаткичлари (n=5)

Кўрсаткичлар	Ёши, ой ҳисобида	Гуруҳлар			
		I	II	III	IV
Сўйишдан олдинги тирик вазн, кг	18 ойликда	395,1±4,11	419,7±5,2	408,0±3,6	400,0±4,9
	21 ойликда	470,2±3,71	501,6±4,1***	497,4±4,1	478,0±5,1
Майдаланмаган гўшт оғирлиги, кг	18 ойликда	211,4±3,73	224,1±3,51**	217,1±4,17	212,3±5,17
	21 ойликда	256,7±4,80	273,9±5,11**	273,6±5,06	261,0±4,91
Майдаланмаган гўшт чиқими, %	18 ойликда	53,5	53,4	53,2	53,0
	21 ойликда	54,6	54,6	55,0	54,6
Ички ёғ оғирлиги, кг	18 ойликда	16,6±0,03	18,0±0,03***	15,5±0,03	14,4±0,05
	21 ойликда	22,1±0,87	24,1±0,04***	20,4±0,06	19,6±0,08
Сўйим оғирлиги, кг	18 ойликда	228,0±4,80	242,1±4,10*	232,6±4,11	226,7
	21 ойликда	278,8±3,93	298,0±4,56*	294,0±5,16	280,6
Сўйим чиқими, %	18 ойликда	58,1	57,7	57,0	56,6
	21 ойликда	59,3	59,4	59,1	58,3

*- P<0,05; **- P<0,01; ***- P<0,001

Сўйишдан олдинги тирик вазн, II ва III гуруҳлардаги буқачаларни 18 ойлигида 419,7 ва 408,0 кг бўлиб, улар, I-IV гуруҳдаги тенгқурларини 24,6 (P<0,05), 12,9 (P<0,01), 19,7 (P<0,05), 8,0 (P<0,05) кг ортда қолдиришган бўлса, 21 ойлигида бу фарқ мос равишда 31,4 (P<0,001), 27,2 (P<0,01), 23,6 (P<0,05), 19,4 (P<0,05) кг га тенг бўлган.

Гўшт маҳсулдорлигини характерлайдиган асосий кўрсаткич бу майдаланмаган гўшт ҳисобланади. Бу кўрсаткич 18 ойлик II ва III гуруҳ буқачаларда тегишлича 224,1-217,1 кг ни ташкил қилиб, I ва IV гуруҳдан мос равишда 12,7; 11,8; 5,7 ва 4,8 кг ортиқ бўлган.

Тафовут 21 ойлигидаги назорат сўйимида мос равишда 17,2; 16,9; 12,9 ва 12,6 кг га тенг бўлган.

Ички ёғ оғирлиги бўйича гуруҳлараро фарқ 18 ойликда тегишлича 1,4 ($P<0,001$), 2,5 ($P<0,001$), 3,6 кг ($P<0,001$) га тенг бўлиб, 21 ойликда эса 2,0 ($P<0,001$), 3,7 ($P<0,01$), 4,5 кг ни ($P<0,01$) ташкил этган.

Сўйим оғирлиги II ва III гуруҳлардаги буқачаларда юқори бўлиб, тегишлича 18 ойликда 242,1; 232,6 кг ни ва 21 ойликда 298,0; 294,0 кг ни ташкил қилган. Ушбу кўрсаткич бўйича улар I-IV гуруҳ буқачаларини 14,1 ($P<0,05$), 15,4 ($P<0,05$), 4,6 ($P<0,05$), 5,9 кг ($P<0,01$) ҳамда 19,2 ($P<0,05$), 17,4 ($P<0,05$), 15,2 ($P<0,05$) ва 13,4 кг ($P<0,05$) ортда қолдиришган. Сўйим чиқими, ҳар иккала назорат сўйимида ҳам юқори бўлган.

Шундай қилиб, сўйим кўрсаткичлари бўйича II ва III гуруҳлардаги буқачалар ўз тенгқурлари I ва IV гуруҳларидаги буқачаларга нисбатан устунлик қилиши кузатилган.

Гўштнинг морфологик таркиби (5-жадвал) бўйича юқори кўрсаткич II гуруҳ буқачаларида кузатилган ва 88,3-109,6 кгга тенг бўлган. Улар 18 ойликда ўз тенгқурларидан тегишли равишда 4,8 ($P<0,05$), 2,3 ($P<0,05$), 4,3 кг ($P<0,05$) устунлиги кузатилган. Бу фарқ 21 ойликда 8,0 ($P<0,01$), 0,1 ($P<0,05$) ва 4,6 кг ни ($P<0,05$) ташкил қилган.

Лаҳм гўшт навли бўлақларга ажратилганда барча гуруҳдаги буқачаларда 18 ойликда 16,0-20,0 кг гача ва 21 ойликда 21,8-24,0 кг гача олий навли лаҳм гўшт чиқими қайд этилган. Ушбу нав 18 ва 21 ойликда жами лаҳм гўштнинг 19,2-22,6 ҳамда 21,5-22,9 фоизини ташкил этган.

Лаҳм гўштнинг асосий қисми биринчи навли гўштан иборат бўлиб, юқори кўрсаткич III ва IV гуруҳ буқачаларида кузатилган. Хусусан, 21 ойликда, IV гуруҳда биринчи навли гўшт миқдори 49,8 кг га тенг бўлиб, бу кўрсаткич бўйича улар ўз тенгқурлари I гуруҳ буқачаларини 1,9; II гуруҳ буқачаларини 0,9; III гуруҳ буқачаларини эса 0,4 кг га ортда қолдирган.

Иккинчи навли лаҳм гўшт оғирлиги бўйича ҳам гуруҳлараро ишонарли даражада фарқ аниқланган.

Лаҳм гўштнинг салмоғи ёш бўйича ўзгариб борган. Бу фарқ, I гуруҳда 18,1 кг, II гуруҳда 21,3 кг, III гуруҳда 23,6 кг, IV гуруҳда 21,0 кг ни ташкил қилган. Кўриниб турибдики, III гуруҳ буқачалари I, II ва IV гуруҳлардаги ўз тенгқурларини тегишлича 5,5 ($P<0,01$), 2,3 ($P<0,01$) ва 2,6 кг ($P<0,01$) ортда қолдирган. Суякларнинг оғирлиги ҳам, II ва III гуруҳ буқачаларида, бошқа гуруҳдагиларга нисбатан бироз юқори бўлган ва 18 ойликда бу кўрсаткич бўйича, II гуруҳдаги буқачалар ўз тенгқурлари I, III ва IV гуруҳларни мос равишда 2,9 ($P<0,01$), 1,7 ($P<0,05$) ва 2,0 кг ($P<0,01$) ортда қолдирган. Бу фарқ 21 ойликда шунга мувофиқ равишда 1,0 ($P<0,05$), 0,4 ($P<0,05$) ва 1,3 кг ни ($P<0,05$) ташкил қилган.

Гўштнинг морфологик таркибига баҳо берганда ҳар 100,0 кг сўйишдан олдинги тирик вазнга тўғри келадиган кўрсаткични аниқлаш муҳим ҳисобланади. Бу кўрсаткич, I, II, III ва IV гуруҳ буқачаларида ҳар иккала сўйим ёшида ҳам тегишлича 21,4 ва 21,6; 21,0 ва 21,9; 21,1 ва 22,1; 21,0-22,2 кг га тенг бўлган.

Майдаланмаган гўштнинг истеъмол қилинадиган қисми эса барча гуруҳларидаги буқачаларда 18 ва 21 ойликда 79,7-80,8 ва 79,6-80,5 фоиз,

истеъмол қилинмайдиган қисми эса 19,2-20,3 ва 19,5-20,4 фоиз оралиғида бўлган.

5-жадвал

Тажриба гуруҳидаги буқачалар ярим нимта гўштининг морфологик таркиби, кг

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар							
	I		II		III		IV	
	Назорат сўйим ўтказилган ёши, ой ҳисобида							
	18	21	18	21	18	21	18	21
Майдаланган ва совутилган ярим нимта гўшт оғирлиги, кг	104,3	127,8	111,6	136,6	108,0	136,2	105,8	130,6
Лаҳм гўшт Шу жумладан	83,5	101,6	88,3**	109,6	86,0	109,7**	84,0	105,0
Олий нав	16,0	21,8	20,0	23,7	19,6	23,2	17,8	24,0
Биринчи нав	38,4	47,9	40,1	48,9	39,7	49,4	38,6	49,8
Иккинчи нав	29,1	31,9	28,0	37,0	27,7	36,1	27,6	32,6
Суяклар оғирлиги, кг	18,4	23,5	21,3	24,5	19,6	24,1	19,3	23,2
Тоғай, пай ва бириктирувчи тўқималар оғирлиги, кг	2,0	2,2	1,8	2,1	2,1	2,0	2,1	2,0
Техник йўқотиш	0,4	0,5	0,2	0,4	0,3	0,4	0,4	0,4
Майдаланган гўштининг истеъмол қилинадиган қисми, %	80,1	79,6	80,1	80,3	79,7	80,5	80,8	80,3
Истеъмол қилинмайдиган қисми, %	19,9	20,4*	19,9	19,2	20,3*	19,5	19,2	19,7
Гўшtdорлик коэффициентлари	4,5*	4,3	4,1	4,5	4,4	4,6*	4,4	4,6*


*- $P < 0,05$; **- $P < 0,01$

Суякка тўғри келадиган лаҳм гўшт миқдори барча гуруҳларидаги буқачаларнинг ҳар иккала назорат сўйимида ҳам юқори даражада бўлиб, 18 ойликда 4,1-4,5 ва 21 ойликда 4,3-4,6 кг оралиғида бўлган. Бу кўрсаткич бўйича 18 ойлик, I гуруҳ буқачалари ўз тенгқурлари II гуруҳни 0,4 ($P < 0,01$), III гуруҳни 0,1 ($P < 0,05$), IV гуруҳни 0,1 кг ($P < 0,05$) ортида қолдирган бўлса, 21 ойликда III ва IV гуруҳларидаги буқачалар I ва II гуруҳдаги тенгқурларини мос равишда 0,3 ($P < 0,05$), 0,2 ($P < 0,05$) ва 0,1 кг ($P < 0,05$) ортида қолдиришган.

Тажриба гуруҳидаги буқачалар гўштининг морфологик таркибини таҳлил қилганда мускул тўқималарининг анатомик бўлақлар бўйича жойлашганлигини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Ушбу кўрсаткични ўрганиш натижалари 2 - расмда келтирилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, гўштининг 43,1-48,1 фоизи илик суякларида жойлашган экан. Жумладан, 18 ойликда II гуруҳдаги буқачаларнинг илик суякларида жойлашган гўшт 48,1 кг ни ташкил қилиб,

улар ўз тенгқурлари I-гурухни 2,1; III-гурухни 1,7 ва IV-гурухни 1,6 кг ортда қолдиришган.



2-расм. Тажриба гуруҳидаги 18 ойлик буқачаларнинг мускул тўқималарини анатомик бўлақлар бўйича жойлашиши

ХУЛОСАЛАР

1. Республиканинг жанубий ҳудуди ҳисобланган Сурхондарё вилоятининг тоғ ва тоғ олди шароитида қорамол гўшти ишлаб чиқаришни жадаллаштириш мақсадида сут, кўшмаҳсулдор қорамол зотларидан ва қорамол зотини голштин зоти билан чатиштириш натижасида олинган дурагай буқачаларидан самарали равишда фойдаланиш самарали ҳисобланади.

2. Генетик келиб чиқиши билан фарқ қилган ҳайвонларни озиқлантириш шароити бир хил бўлган. Гуруҳларда жами сарфланган озуқалар тўйимлилиги 2981,0; 3143,8; 3104,9 ва 2979,2 озуқа бирлигини ташкил қилган. Бунда II гуруҳдаги буқачалар ўз тенгқурлари I, III ва IV гуруҳ буқачаларига нисбатан тегишлича 162,8; 38,9 ва 164,6 озуқа бирлиги кўп истеъмол қилишган.

3. Тажрибадаги ҳайвонлар экстерьер кўрсаткичлари бўйича бир-биридан фарқ қилишган. Буқачаларнинг ёшидан қатъий назар танаси мутаносиб тузилишга эга бўлиб, баландлиги ва энига ўсиши юқори бўлган. Кўкрак қафасининг яхши ривожланганлиги уларни қандай маҳсулдорлик йўналишга мансуб эканлигини ифодалаган. Гўшт маҳсулдорлигини характерлайдиган тос-кўкрак, кўкрак, зичлилик индекслари II гуруҳдаги буқачаларда юқори бўлган.

4. Тажрибанинг 6 ойлигигача буқачаларнинг тирик вазнибўйича ўсиш динамикасида сезиларли фарқ аниқланмаган. Аммо, кейинги даврларда II ва III гуруҳ буқачалари жадал ўсишган. Бунда 12 ойлик II гуруҳ буқачаларининг

тирик вазни 265,2 кг ни ташкил қилиб, I, III ва IV гуруҳ ҳайвонларини мутаносиб равишда 20,2 ($P<0,01$), 16,5 ($P<0,05$) ва 18,0 кг ($P<0,01$) ортида қолдирган. Бу жадаллик тажрибанинг охиригача сақланиб қолиб, 21 ойликда II гуруҳ буқачалари 505,4 кг тирик вазнга эга бўлишган ва улар ўз тенгқурларига қараганда тегишлича 31,4 ($P<0,01$), 12,8 ($P<0,05$), 22,4 кг ($P<0,01$) юқори тирик вазн кўрсаткичи билан характерланган.

5. Барча гуруҳлардаги буқачалар кам озуқа истеъмол қилиб, кўп маҳсулот беришган. Бунда, I гуруҳдаги буқачалар устунлик қилган ва 18 ойликкача 1 кг семириш учун 7,99 озуқа бирлигини истеъмол қилган. 21 ойгача II гуруҳдаги буқачалар кам (8,24 озуқа бирлиги) озуқа истеъмол қилишган. Озуқани маҳсулот бирлиги билан қоплаш кўрсаткичи буқачалар организмнинг физиологик ҳолатига ва ирсий омилига боғлиқдир.

6. Генетик келиб чиқиши, ёши ва йилнинг фаслларида қатъий назар тажрибадаги ҳайвонларнинг клиник ва гематологик кўрсаткичлари асосан физиологик меъёр даражасида бўлган. Ёз фаслида барча гуруҳларда бошқа фаслларга қараганда қондаги эритроцитлар, лейкоцитлар миқдори кўтарилган. Бу эса ёз фаслида ҳайвонлар организмда алмашинув жараёнлари юқори даражада кечганлигидан ва буқачалар иссиқ иқлим шароитига яхши мослашганлигидан далолат беради.

7. Тажрибадаги ҳайвонларнинг сўйим кўрсаткичлари ҳар иккала назорат сўйимида ҳам юқори бўлган. Ёш даврининг 18 ойлигида гавда оғирлиги гуруҳларда мос равишда 211,4; 224,1; 217,1; 212,3 кг ни ташкил қилган. Бу кўрсаткич 21 ойликда 256,7; 273,9; 273,6; 261,0 кг га тенг бўлган.

8. Гўштнинг сифатини ҳарактерлайдиган асосий кўрсаткичлардан бири унинг морфологик таркиби ҳисобланади. Гавдадаги олий ва биринчи нав гўшт миқдори гуруҳларда 18 ойлигида 54,4 кгдан 60,1 кг гача, 21 ойлигида эса 69,7 кг дан 73,8 кг гача бўлган. Гўштнинг истеъмол қилинадиган қисми 18 ойликда 79,7–80,8 ва 21 ойликда 79,6–80,5 фоизга тенг бўлган. Бу кўрсаткичлар ҳайвонларнинг ирсияти ва паратипик омилларининг таъсири натижасидир.

9. Гўштнинг кимёвий таркибида ҳам гуруҳлараро фарқ аниқланган. Ушбу ҳолатда 18 ойлигида гўшт таркибидаги қуруқ модда III гуруҳдаги дурагай буқачаларда 31,5 фоизга тенг бўлган. Шундан 20,93 фоизини оксил ва 9,27 фоизини ёғ, 21 ойлигида бу кўрсаткичлар тегишлича 32,45; 21,86; 9,59 фоизни ташкил этган.

10. Қорамоллардан олинадиган тери маҳсулоти енгил саноат учун муҳим хом-ашъё ҳисобланади. Олинган терининг оғирлиги 25 кг дан зиёд бўлиб, уларнинг барчаси I навли катта ва оғир терилар сарасига кирган. Терининг барча кўрсаткичларида гуруҳлараро статистик фарқ аниқланган. Бундасоф зотли буқачаларга нисбатан дурагай авлод буқачалари бироз устиворлик қилишган.

11. Тадқиқотларда олинган соф фойда миқдори гуруҳлар миқёсида 18 ойлигида 1392-1491 минг сўмни, 21 ойлигида эса 1453-1655 минг сўмни, рентабеллик даражаси 18 ойликда 39,7- 42,8 фоизни, 21 ойликда 34,7- 38,4 фоизни ташкил этган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD30.08.2018. Qx.75.01 ПРИ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ КАРАКУЛЕВОДСТВА И
ЭКОЛОГИИ ПУСТЫНЬ И САМАРКАНДСКОМ ИНСТИТУТЕ
ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ**

САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ

КУРБАНОВА ШАХНОЗА ЭРГАШЕВНА

**ИНТЕНСИФИКАЦИЯ ПРОИЗВОДСТВА ГОВЯДИНЫ В УСЛОВИЯХ
ДОЛИНЫ СУРХАН**

**06.02.03 - Частная зоотехния. Технология производства
продуктов животноводства**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

САМАРКАНД – 2019

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора (PhD) философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В развитых странах мира на должном уровне организована производство мяса крупного рогатого скота. Ведущими регионами по производству говядины является Северная Америка (24,6 %), Южная Америка (23,5 %) и Азия (23,5 %). Это достигнуто в результате увеличения поголовья скота, проведения эффективных научных исследований по изысканию путей полного использования генетического потенциала пород скота мясного направления по продуктивности, применения современных, новых технологий производства мяса¹.

В мире обеспечение продовольственной безопасности считается одним из очень важных проблем. На сегодняшний день в решении продовольственной проблемы населения мира главное место занимает скотоводство, считающийся ведущей отраслью животноводства и в связи с этим в зарубежных странах наблюдается тенденция увеличению поголовья крупного рогатого скота специализированного мясного направления. В этих странах в направлении повышения мясной продуктивности скота проведены научные исследования по использованию возможностей породности животных, эффекта гетерозиса, в результате которых разработаны технологии, которые являются актуальными, обеспечивающими повышение потенциала мясной продуктивности на 10-20 %.

В республике осуществляются крупномасштабные мероприятия для удовлетворения потребностей населения на основе использования пород молочного, комбинированного направления и помесных животных. В Стратегии действий развития Узбекистана на 2017-2021 годы определены стратегические задачи по «...развитию племенной базы, организации селекционно-генетических центров на базе племенных хозяйств и устойчивому обеспечению населения качественной продовольственной продукцией на основе расширения научных исследований по племному делу»². Поэтому, изучение племенных свойств и особенностей мясной продуктивности черно-пестрой, швицкой и помесного потомства, полученного от спаривания животных голштинской породы, относящейся к мировому генофонду с черно-пестрой породой, полное использование генетического потенциала животных, разработка и внедрение научно-обоснованных технологий производства мяса является актуальностей.

Постановление Президента Республики Узбекистан от 23 марта 2006 года ПП-308-«О мерах по стимулированию увеличения поголовья скота в личных подсобных, дехканских и фермерских хозяйствах», от 21 апреля 2008 года ПП-842-«О дополнительных мерах по усилению стимулирования увеличения поголовья скота в личных подсобных, дехканских и фермерских

¹ <http://www.fao.org/docrep/018/i3300e.pdf>.

² ПФ-4947 от 07 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

хозяйствах и расширению производства животноводческой продукции» и от 29 декабря 2015 года ПП-2460-«О мерах реформирования и развития сельского хозяйства в 2016-2020 годах», а также задачи, определенные в нормативно-правовых документах оказывают положительное влияние на стабильное развитие отрасли. С этой точки зрения для выполнения поставленных задач исследования в рамках этой диссертационной работы имеет важное значение.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан V- «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Хозяйственно-полезные признаки коров различных пород и породностей, служившие объектом исследований, были изучены зарубежными учеными, как Д.Е. Адушинов, Х.А. Амерханов, С.Д. Батанов, О. Гетоков, И.Ф. Горлов, Г.Н. Зеленов, Ф.Г. Каюмов, Л.И. Киблако, Д.Л. Левантин, Г.П. Легошин, М.В. Amburh, Р. Arnold, В. Robertstein и учеными республики - У. Носиров, П. Собиров, А. Кахаров, А. Хушвактов, М. Нарбаева и другие. Однако, на сегодняшний день убойные показатели, мясная продуктивность, качество мяса бычков этих генотипов изучены недостаточно. Не даны точных рекомендаций по оптимальному убойному возрасту и живой массе в условиях горной и предгорной местности.

Связь диссертационной работы с тематическими планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование связано с планом научно-исследовательских работ Самаркандского сельскохозяйственного института, зарегистрированного под номером 0194513 - «Разработать эффективные методы использования генетического потенциала продуктивности коров и улучшения его качества».

